

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

6 апрелда СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари В. С. Семёнов Германия Федератив Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили жаноб Г. Шоллин қабул қилди ва соҳибгитлерчи генерал, ҳарбий жиноятчи Фердинанд бундесверга генерал-инспектор (қўмондон) қилиб тайинланганлиги муносабати билан унга баёнот берди.

В. С. Семёнов айтдики, Фергитлерчилар армиясида раҳбарлик мансабларида ишлаб, Совет Иттифоқига қарши босқинчилик агрессиясида қатнашган эди ва муваққат оккупация қилинган совет территориясида ўтказилган йиртқиқликларнинг шахсан энг актив ташкилотчиларидан бири бўлган эди. Фергитлерчилар жиноятлари учун 25 йил турмада қамалган ҳужжатлар билан.

Ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари СССР Олий Совети Президиумининг қарорига биноан, Ферг 1955 йил октябрда мундтадан олдин қамолдан бўшатилиб, Германия Федератив Республика-

сининг ҳукумат маъмуриятига топширилганлигини эълан қилди, бу қарор Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг илтимосига биноан ва Совет-Ғарбий Германия муносабатларини яхшилаш манфаатларини қўлаб қўйиб қилинган қарор эканлигини уқтириб ўтди. Ҳозирда маъмурият, федерал ҳукумат Ферг ва унга ўхшаш жиноятчилар Германия Федератив Республикасида ўзларининг ўтмишдаги нуфузларини ҳеч қачон эгаллаб олмасликлари ва яна қурол олмасликлари учун чоралар кўришни лозим эди.

Шунга қарамай, ҳозир Германия Федератив Республикаси ҳукумати ҳарбий жиноятчи Фергнинг бундесвернинг генерал-инспектори мансабига тайинлангани лозим тоған экан, деди В. С. Семёнов, у ҳолда бунга гитлерчилар Германиясининг агрессиясига ургатган Совет Иттифоқи, шунингдек Европадаги бошқа давлатларга нисбатан но-аўсталик тугдирувчи ҳаракат де-вишдан бошқа баҳо бериб бўлмайди. (ТАСС).

1-Май шарафига меҳнат совғалари

Коммунистлар авангард

Тошкентдаги Сталин номи кўн комбинатининг коллективи меҳнаткашларнинг ҳалқаро бирдамлик кунини — 1 Май байрамини катта тўғиқлар билан қутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиб, ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ортиги билан адо этмоқда. Иш жараёнининг тинимли механизациялаш ва автоматлаштириш, янги асбоб-ускуналарни кенг жорий қилиш, илгир иш усуллари қўлланиш натижасида шу йилнинг биринчи квартал плани мундтадан бир неча кун илгари бажарилиди.

Цехлар орасидаги ўзаро социалистик мусобақада терини ошлаш ва пардозлаш, сунъий тери, резина цехлари коллективлари пешқадам-

лик қилмоқдалар. Улар ойлик топшириқларини доимо ошири билан адо этишяпти.

Комбинатда юзга яқин партия аъзоси бор. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг хал қилувчи участкаларида меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Коммунистлардан С. Алимов, Б. Орифжонов, А. Толпилов, А. Шелочков, И. Аврудинова ва бошқа ўртоқлар унумли ишлаш билан бирга, завод цехларида чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таъинини камайтиришга қаратилган тақдирлар билан чиқишяпти. Бу, қўлаб-давлат маблагини, ҳомаш ва материалларни тежаб қолтишга ёрдам бермоқда.

Х. ШАРИПОВ.

Меҳнат вахтасида

Бу йил коллективимиз зиммасига анча масъулиятли вазифа юклатилди. Областида тобора кенг кўламли олиб борилаётган курилишларга бинокорлик материалларини етказиб беришни анча қўлайлаштиришимиз, сифатини яхшилашимиз лозим. Бу муҳим топшириқни тўла ва ошириб бажариш учун бир қанча тажрибали-техникавий тадбирларни бағилиган эдик. Уларнинг айримлари амалга оширилди. Кўп меҳнат талаб қилган айрим огир иш жараёнини механизациялашди, унумли ишлайдиган асбоб-ускуналар жорий этилди.

Коллектив ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Партия XXII съезди ва 1 Май байрамини муносиб қутиб олиш учун бошланган бу мусобақада барча ишчилар, инженер-техник ходимлар актив иштирок этмоқдалар. Коллективимизнинг бир жон-бир тан бўлиб ишлаш тўғрисида топшириқлар ой сайин ортиги билан адо этилмоқдалар. Бунини шу йилнинг I квартал ачуларидан аққол кўриш мумкин.

Биз уч ой давомида 13 миллион 700 минг гирт ва 120 минг донча черешча ишлаб чиқаришимиз ва курилишларга жўнатишимиз керак

эди. Бу топшириқ мундтадан уч кун илгари бажарилиди. Қолган кунлар ичида аса пландан ташқари 400 минг дондан кўпроқ гирт ва бир неча минг донча черешча тайёрладик.

Баракали меҳнат қилиб, коллективимиз ютуғига ҳисса қўшаётган илгир ишчилар, бригадалар билан фахрланамиз. Айниқса, тажрибали гиртчи пионерчи коммунист ўртоқ А. Холодов бошчилик қилаётган бригаданинг иши ибратлидир. Корхонада биринчи бўлиб коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номини олган бу бригада аъзолари ишда, юриш-туриш ва ахлоқда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Топшириқларини мунтазам равишда 150 процент қилиб адо этмоқдалар.

Бизнинг режамиз катта. Партия XXII съездини 10 ойлик плани бажариш билан қутиб олишга аҳд қилганимиз. Барча ишчилар эл-юрт олдига берилган ана шу ваздани тўла бажариш учун астойдил иш-тиломоқдалар, меҳнат вахтасида туриб ишлаб, қўлга киритилган ютуқларини янада мустақамламоқдалар.

А. ЭШМАТОВ,
Калинин районидagi 7-ғишт заводининг ишчиси.



Алексей ҳали яқиндагина Чиланзорга оддин ишчи бўлиб келган эди. Эндиликда у кўтарма крап машинисти бўлиб иш-ламоқда. Суратда: Тошкентдаги 153-қурилиш трестининг иш-чиси Алексей Максимов. А. Абалин фотоси.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ“

2-БЕТ, 8 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИДА



Ўрта Осиёда энг йирик Оҳангарон цемент заводи қурилиш иши олиб бораётган минглаб бинокорлар, монтажчилар унинг 175 метрлик айланма печининг барча блокларини 12 майда эмас, балки меҳнаткашлар ишига халқаро бирдамлик кунини — 1 Май байрамигача йиғиш ҳақида янги мажбурият олди. Қолгилар ана шу мажбуриятни тўла бажариш мақсадида социалистик мусобақани кун сайин қилиб, меҳнатла янгидан-янги муваффақиятларини қўлга киритяпти. Яқинда монтажчилар катта қалабага эришдилар. Улар биринчи айланувчи печнинг тўртинчи блокни ўрнатдилар. Уни ўрнатилган электр пайвандчилардан И. Давлетшин, С. Абдурахмонов ва И. Алешин ўртоқлар фидокорона ишладилар. Қурилишнинг бу пешқадам пайвандчилар ҳар кунини нормани икки бараварга етказиб адо этишяпти. Суратда: азамат электр пайвандчилар (чапдан ўнгга) И. Давлетшин, С. Абдурахмонов ва И. Алешин ўртоқлар.

В. Баскаков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

ЯНГИ ТУГАРАКЛАР

Шаҳар пионерлар уйи дирекцияси яқинда ҳавасдор пионер ўқувчилар учун акробатика, шахмат, теннис ва бичин-тиқиш тўғрисидаги ташкил қилди. Бу тўғрисида ҳозир 100 га яқин ўқувчи иштирок этмоқда. Шу билан пионерлар уйида тўғрисида сони 17 га етди.

КОМСОМОЛЛАР ТАШАББУСИ

«Ўзбекшахтострой» трести комсомол комитети шаҳар бўйлаб 3 ойлик комсомол походи уюштирди. Трест комсомол-эшлари бу давр ичида 400 тоннадан ортиқ темир-тераск йиғиб топширишга аҳд қилдилар. Комитет голлиб чиққан корхона комсомол ташкилотлари учун мукофот ҳам белгиланди.

А. КУНИЕВ.

Қисқа сатрларда

◆ Янгйер. 1-«Бобуя» совхози марказида янги ўз-ўзи биологика кетма-кет қад кўтармоқда. Совхоз қурувчилари яқинда 40 га яқин типовой бонини фойдаланишга топширишди.

С. СУВОНҚУЛОВ.

◆ Тошкент. Шота-Руставели кўчасида ғўшт ва сўт маҳсулотлари билан савдо қилган янги магазин очилиб, ишга туш-тирилди.

Х. АХМЕДОВ.

◆ Чирчик. Катта қотимчилар ва ўтга чидамли металл комбинатида ўзбек ба-дий ҳаваскорлари тўғрисида ташкил қил-линди. Ҳаваскор металлчилардан 30 йил-гит-қиз тўғрисида мунтазам катташмоқда.

Т. ҒУРУНОВ.

◆ Чиноз. Революция ветерани ва гражд-даклар урушининг қатнашчиси Ю. А. Але-ев «Ленинча янаш, ўқиб ва меҳнат қи-лишни ўрганишга» деган темада район-даги қишлоқ хўжалик техникуми, пахта тозалаш заводи ва мактабларда қизқар-ди лекция ўқиди.

М. ПЕЙСЕНОВ.

◆ Оҳангарон. Тоғ орасидаги Тўт қиш-логли электр нурали билан қарогон бў-ди: қўноқларнинг уйлари ва бир неча хўжалик биноларига электр тоқлари туш-тирилди.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛГОРЛАРИ

Ой осмондаги юлдузларни те-риб олмоқда бўлгандек тез кў-тарилади-ю, сарв қомат тераклар-нинг учига миниб олди. Юнус илк баҳорнинг бу манзарасини жон-дилдан севар, дилга завқ жорувчи баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишни истар эди. Аммо ҳозир унинг асита ой ҳам, баҳор шабадаси ҳам келётгани йўқ. У перронда лўстлари билан туриб, огир юкли поездни кута-ётди. Нарироқда иккита вагон турибди. Уларга қишлоқ хўжа-лиқ машиналари ортилган. Улар-ни пахтакорларга мумкин қадар тезроқ жўнатиш керак.

Юнус поезднинг кечикканидан асабийлашиб узоқларга тикилар экан, тепловоз ойдида қорайиб кўриди.

— Ҳайрият! — ҳаёлидан ўт-казди у.

— Келаяпти, — унинг фикри-ни тушунгандек дўста Виктор ҳам узоқдаги тепловозга имо қилди.

«ТЭ-3» тепловоз қатор-қатор

Бўш парталарда кимлар ўтиради?

(БИР ХАТ ИЗИДАН)

Утган йили Чиноз районидagi 24-нечки ишчи-эшлар макта-бига кириб ўқиш истганини билдирган йиғит-қизлар сони кўп-ти-гандан ҳам ошиб кетди. Бу, шубҳасиз, мактаб педагогик коллект-ивини беҳад нувонтирди. Ун-ув-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Қўшничча синфхо-налар қурилди. Мактабнинг ўқув-моддий базаси мустақамланди.

Шунга қараб давомат ҳам, ўзлаштириш ҳам кўнгилдагидек бўла бошлди. Лекин кўп ўтмай, юқори синфларда давомат бирдан пасайиб кетди. Ҳатто айрим кунларда бир синфда 6 — 7 киши билан машғулот ўтказишга тўғри келди.

Бу ҳол ўқитувчилар коллективини ташвишга солиб қўйди. Сабаблари аниқланди. Маълум бўлишича, айрим корхона ва колхоз раҳбарлари ишчи ва колхозчиларга яхши шартот яратиб бериш ўрнига уларнинг ўқишга тўқинилик кўрсатишяётган экан. Мактаб директори Н. Холматов ўша корхона ва хўжаликларда бўлиб, бу масалада қаттиқ таълашди. Лекин билдирилган ҳақли эътирозлар баъзи раҳбарлар томонидан инобатга олинмапти. Айниқса, «Ташкенткабель» заводи филиалининг бошлиғи И. Г. Коломиев ўз билганидан қолмаётди. Бундан эски Тошкент қишлоқ Советининг раиси И. Норбоев ҳам хабардор. Лекин нега-дир бу масала қишлоқ Советидagiларни ҳам ташвишлантормаяпти.

И. УРИНБОВ.

— Улар ўқишга борадими, йўқ-ми, бу меннинг ишим эмас. Аммо лекин иш вақтидан бир соат тугул, бир минут ҳам олдин юбортирмай-ман. Бу ер корхона. План бажари-май қолса сиз жавоб бермайсиз, мен жавоб берман, — ўртоқ Коло-миев зарда билан гапирарди. — Қай кунни район мудир Рустемов телефон қилиб қўлоқ-мияни эди. «Корхона эшларининг кўли машғу-лотларга қатнамай қўйган эмис», Бир гапни ҳадеб эшитаверсанг, чак-кага ҳам тегиб кетар экан.

— Ахир эшлар билим олиши ке-рак? — мактаб директори Н. Хо-лматовнинг сабри чидамади. — Ўрта маълумот бериш меҳнат унумдорли-гини оширишнинг бирдан-бир муҳим шарти-ку! Сурштириб кўрими. Толик Петров, Володя Дрожини ка-би ишчилар ўқишга борган кунлари ҳам смена нормасини 120 — 130 процентга етказишяётган экан, Г. Мамажонова, Т. Икромовлар иш-ла, ўқишда ҳаммага ўрнак бўладиган эшлар. Сиз бўлсангиз уларга «иш-ласангиз ишланг, йўқса тўрт томо-

нингиз қибла» дебсиз. Бу эшлар-нинг мактабга борма қўйганликла-рига мана икки ҳафта бўлиб қолди.

Сўхбатда корхонанинг цех бош-лиғи Виктор Ситников аралашди: — Цехимиздан беш киши кечки мактабга ўқийди, тўғриси, улар ша-ронит яратиб берганимиз учун сиз-дан норози бўлишяпти. Ўқиб кунли сменадан бир соат олдин рухсат беришимиз керак. СССР Министрлар Советининг бу ҳақда алоҳида қаро-ри бор.

Ўртага ўнгасиз жимлик чўкди. — Майли, ўйлаб кўрими, — де-ди шунда Коломиев бўлашиб.

Бу воқеа «Ташкенткабель» заво-дининг Чиноз районидagi филиали бошлиғи И. Г. Коломиев кабинетда бундан икки ҳафта бурун бўлиб ўт-ган эди. Шу вақт ичида камчили-ларга чек қўйилган бўлса керак деб сўрашингиз мумкин. Йўқ, аҳвол ҳамон ўша-ўша.

Мактаб ўқувчиларининг деярли 25 процентини шу корхона эшлари ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги юқори синфларда ўқийди. Ана шу

синф ўқувчиларининг давомати. Ўз-лаштириш билан қизққан киши даст кўрсаткичларини қўриб ран-жиди. Корхона ишчи-эшларнинг ўқиш учун тегишли шарт-шартот яратиб бермагани, худди ўчаким-гадай қўнчица уларни кечки сме-нада ишлашга мажбур қилаётгани эшларни қийнаб қўйган.

Кейинги вақтда мактабга мунта-зам қатнаб ўқиётган ўқувчилар со-ни 40 — 45 кишига тушиб қолди. Айрим кунлари мавжуд 6 та синф машғулотларига қўли билан 35 ўқувчи келди, холос. Қўлбуки, райондаги айрим корхона ва кол-хозлардан ўқув йили бошида 70 эш ишчи, колхозчи жалб қилинган эди. Ушунда колхозчи эшларни ўқига тортишда жон-қўйилган Кирова номи колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари А. Юсупов негадир эндиликда ўқувчи-лар давомати билан қизикмай қўй-ди. Ахир шу хўжалик аъзоларидан 3 — 4 киши машғулотларга мутлақо қатнамай қўйганлиги колхоз раҳ-барларига маълум-ку! Мактаб ди-рекцияси 123-автобаза (бошлиғи Ш. Ким), пахта станцияси (бошли-ғи А. Қодиров) ва бошқа ташкилот-ларни ҳам ишчи-эшларнинг ўқишга кечкилик келатганликлари ёки кел-май қолатганликларидан тез-тез хабардор қилиб турган бўлса-да, бу масалага иккинчи даражали иш деб қаралмоқда.

Йўқ, ишчи, колхозчи эшларга билим бериш масаласи иккинчи да-ражали иш эмас. Наҳотки, бу таш-килот ва хўжаликларнинг раҳбар-лари СССР Министрлар Советининг ишчи-эшларни мактабга жалб қи-лиш ҳақидаги қарориди, мактабнинг турмуш билан боғлиқлигини мустақ-камлаш тўғрисидаги Қонунда илг-ри сурилган талабларни билишмасе!

Ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида ҳам ишчи-эшларнинг ўқи-ши ҳақида кўп гап бўлди. И. Ё. Хрущев шу съездда сўзлаган нут-қида: «Ҳар қандай ишда ишлаб турган ишчи ҳам, аввало билим керак, билим бўлса япаш осон ва завоқли бўлади» деган оқи-лона гапни айтган эди.

Партия, совет ташкилотлари, кор-хоналар ва хўжаликларининг раҳбар-лари мактаб педагоглари билан бир ёқадан бош чиқариб, кечки ишчи-эшлар мактаблари ўқувчилари таъ-лимга рахбарлиқни кучайтирсал-лар, ўқув-тарбия ишлари савияси янада ошар.

А. АЛИЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мах-сус мухбири.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ТАЪМАГИР

Реданцияга келган хатларнинг би-рида Янгйер шаҳридаги «Ховос» совхозининг трактор-машина парки бош инженер И. Н. Левшаков-нинг ўз мансабидан фойдаланиб, қўл остида ишлайтган шоферлардан доимо таъмагир бўлаётгани танқид қилинган эди.

Реданциянинг тенгириши ва чора кўриш учун юборган бу хатига Ян-гйер шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Смирейчик жа-дада хатосига иқдор бўлган ва бун-дай ишлар тақрирланмаслиги тўғри-ларнинг тасдиқланганини маълум қилди.

Республика педагогик ўқишлари

Тошкентда уч кун давом этган республика «Педагогик ўқишлари»-нинг набатдаги традицион йиғини яқинда ўз ишини тамомлади. Ўз-бекистон ССР Маориф министр-лиги, Педагогика фанлари илмий-тектириш институти ва республика ўқитувчилар малазасини ошириш институти томонидан ўтказилган бу йиғинда мактабнинг турмуш билан боғлиқлигини мустақамлаш маса-лалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда педагогика фанлари илмий-тектириш институтининг ди-ректору, профессор С. Ражабов «Ўзбекистон Коммунистик партияси, Марказий Комитетининг ва респу-блика Министрлар Советининг «Рес-публикада педагогика фанини янада ривожлантириш чоралари тўғриси-да» деб чиқарган қарори ва мактаб-лар тажрибаларини ўрганиш вази-фаари» деган темада доклад қилди. Доклад юзасидан бошланган қизгин музокарада мактаб директорлари, атоқли педагоглар, олимлар сўзга чиқиб, меҳнат таълими билан бо-ғлиқ бўлган масалалар ҳақида ўза-рининг қимматли фикрларини айт-дилар.

Йиғилиш кунларида 20 секция иш-лади. Физика, саноат мутахассисли-ги бўйича меҳнат ва ишлаб чиқа-риш таълими методикаси секцияла-ри ишлари юқори савидада ўтди. Айниқса, эш техникалар станцияси-нинг методисти Ш. Давлетовнинг «Эш техника» республика лагери-нинг иш тажрибаси, ўқитувчи Е. Лейтманнинг «Пионерлар» уйининг мактаблар билан алоқаси каби док-ладлари ўз мазмуни ва кўтарган масалаларининг актуаллиги билан характерлидир.

Шунингдек, бошланғич таълим, биология, интернат-мактаблар ва болалар уйлари секцияларининг машғулотлари ҳам қизқарди ўтди.

Мактаблардан дараклар

Ҳар ҳафтанинг жума кунин Тош-кент тўқинчилик комбинати меха-ника заводида бўлган киши станок-лар ёнида туриб ишлайтган ўқувчи-ларни кўради. Меҳнат кўникмасини ҳосил қилаётган бу эшлар Тошкент-даги 97, 107, 135 ва 144-мактаб-ларнинг юқори синф ўқувчилари-дир. Корхона коллективи ёрдами билан ўқувчилар дастгоҳларни бошқа-ришни ўрганиб олдидлар. Шунинг-дек, турли хил деталлар тайёрлашни ҳам ўқувчилар шу корхонада ўрга-нишяпти.

Р. ИБРОХИМОВ.

Тўғрак машғулотларини олиб бориш синфдан ташқари ишларни амалга оширишнинг муҳим омилди-ри. Шу тўғрисида Чиноз районидagi 1, 5 ва 25-мактабларда тўғрак маш-ғулотларига алоҳида эътибор бери-ларига маълум-ку! Мактаб ди-рекцияси 123-автобаза (бошлиғи Ш. Ким), пахта станцияси (бошли-ғи А. Қодиров) ва бошқа ташкилот-ларни ҳам ишчи-эшларнинг ўқишга кечкилик келатганликлари ёки кел-май қолатганликларидан тез-тез хабардор қилиб турган бўлса-да, бу масалага иккинчи даражали иш деб қаралмоқда.

Т. ИМОНОВ.

«Ташсельмаш» заводи Куйбишев районидagi 104-мактабни ўз ота-ли-гига олди. Эндиликда ишлаб чиқа-риш таълими бевоисита ана шу кор-хона цехларида олиб борилаётди. Заводнинг 15-нечки комсомол-эш-лари ўқувчиларга тоқарлик, слесар-лик касбларини ўргатишда қўлла-ридан келган ёрдамларини яшма-япти.

Цех коллективи ёғи қаникул кунларида ҳам ўқувчиларга касб ўргатади.

У. МАҲМАДОВ.

Шу кунларда Калинин районидagi Карл Маркс номи колхоз тер-риториясида янги мактаб-интернат қурилмоқда. 920 ўқувчи мўлжал-ланган бу мактаб-интернат қурили-шини 159-қурилиш трестига қар-ашли 9-қурилиш бошқармаси олиб бораётди.

Мактаб-интернат янги ўқув йили-дан бошлаб фойдаланишга топши-рилди. Унда болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш-лари учун ҳам алоҳида хоналар ажратилди.

Н. ЗУФАРОВ.



МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

1-Оқдарион совхозининг 1-бўлими ишчилари КПСС Марказий Комитети январа Пленуми қарорларини бажариш учун га-ла, сабабот ва ет-хашак экни ва узар-дам мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, қўллаган дала ишларини ҳар та-рафлама кучайтириб юбордилар. Экинни тез ва сифатли ўқатишда механизатор-лар эфр ғайрат кўрсатмоқдалар.

Механизаторларнинг унумли меҳнати туфайли 15 гектар ерга пшба, қарам, ош-лавлан, 100 гектар ерга бақорға галла, беда, қанд лавлаган мўдлатидан ягари экни бўлиди. Социалистик мусобақа кучайтирилиши натижасида икки ҳун пш-да 40 гектардан ортиқ майдонга сифатли қилиб маккажўхори экилд.

Барвақт экилган ердаги экинлар унинг чыка бошлади. Механизаторлар экин-лавои эттириш билан экинлар парваристи-ни ҳам бошлаб юбориш тадбирларини кўрмоқдалар.

Т. НАЗАРОВ.

ЕРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

Бўстонлиқ районидagi Ленин номи колхоз ўтган хўжалик йили-да маккажўхорида районда энг юқори яғни гектаридан 400 цент-нердан ҳосил етиштирди. Лекин, колхоз сабабот, картошка ва поляз экинларидан жула ҳам ҳосил олди. Картошқадан олинган ҳосил ҳатто сарф қилинган уруғни ҳам қопла-мади.

Колхоз правленийси ва колхозчи-лар ана шу кам ҳосил олиннинг са-баблари нимада эканлигини ўрга-нишди. Ҳосилни ошириш учун бу йил нимадан қилиш кераклигини, ишни нимадан бошлаш заруралигини қайта-қайта ўйлаб кўришгач, ишонч билан шундай дейишди: «Ҳар гек-таридан 35 тоннадан помидор, 30 тоннадан қарам, 15 тоннадан кар-тошка, 22 тоннадан полиз маҳсу-лотлари ва 130 гектар маккажўх-орининг ҳар гектаридан 600 цент-нерга етказиб кўк поля, қолган бош-қа хил экинлардан ҳам ана шундай юқори ҳосил оламиз».

Колхозчилар юксак аҳдларининг устидан чиқиш учун йил бошидан-оқ ишни ўзгача ғайрат билан бошла-дилар. Ер малҳами — гўнг бўлгани учун ерни гўнг билан озиқланти-ришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бўзда суперфосфат билан ҳайлаб қўйилган ерларга ҳозиргача 2600 тонна гўнг ташиб қўйилди. Колхоз комсомол-билари ва активлари ҳар гектар экин ерини 7-8 тоннадан

маҳаллий ўғит билан таъминлаш мақсадида ўн километрлар чамаси олисдаги «Қорабостон» ялловдаги молхонадан гўнг ташиб келтириш-ни йўлга қўйдилар.

Парник хўжалигида ҳам уруғ се-пиш барвақт тугалланди. Сифатли парвариш қилинаётган кўчатлар ба-ҳор майсасидек экинга тахт бўлиб турибди.

Баҳорга тайёргарлик ва мўл ҳо-сил учун кураш Мурод Бердалиев бошлиқ 1-бригада далаида, айниқ-са, қизғин бормоқда.

Бригада аъзолари 90 гектар мак-кажўхори, 20 гектар қарам ва 20 гектар озуқа лавлагани вағдига экиб, гектаридан 1000 центнердан жўхори пояси, 25 тоннадан лавла-ги ва қарам олинга аҳд қилидилар.

— Бригадамиз, — дейди ўртоқ М. Бердалиев, — мажбуриятга амал қилиш учун мавжуд ҳамма имконият ва резервлардан фойдаланиб иш кў-ради. Биз ўтган йили жўхорини асосан «Эмиртинский» уруғидан эка-кан эдик, лекин тажриба учун экин «Гибрид» уруғини «Эмиртин-ский» уруғидан экилганга нисбатан анча ҳосилдор бўлиб етишди. Унинг ҳар гектаридан 30 центнердан уруғ олиб, асраб қўйган эдик. Маккажў-хоридан мўл ҳосил олишни таъмин-лаш учун бу йил ҳамма майдони-мизга шаронимизга мос бўлган ана шу «гибрид» уруғидан экилмадик.

В. ҚОДИРОВ.

Чигит экиш тез кунда тамомланади

Оржоникидзе районидagi Хрушчев номи колхоз аъзолари бу йил 940 гектар ерга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилинганлар.

Бу йил колхозда пахтадан юқори ҳосил олиш, ҳар бир гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўли-шига эришиш учун курашилмоқда. Колхоз правленийси 550 гектар ер-га 60х45 схемаси билан чигит экишни планлаштирган.

Колхознинг механизация бўйича расис ўринбосари, механизатор Бо-борахон Раҳимов чигит экиш агре-гатларига ўзи раҳбарлик қилапти.

10 агрегат билан квадрат-улааб чи-гит экилади. Ҳар бир агрегатга чи-гит, ёғиш ва сув ташиб бериш учун арава-лар ҳам ажратилди.

Пландаги 11 минг 500 тонна ўри-нига далага 13 минг 500 тонна ма-ҳаллий ўғит ташиб чиқарилиди. 70 гектар ерга беда, 29 гектар ерга қанд лавлаган экилди. Маккажўхори экин давом этмоқда.

Ўтган йили бу колхозда пахта тайёргарлиги билан бажарилмаган эди. Колхозчилар бу йил ўтган йилга ҳа-толардан хулоса чиқариб, чигит экишни намунали ўтказиш билан мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирламоқдалар, бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш учун астой-дил курашмоқдалар.

У. НИЗОВ.

БАҲОРГИ ПИЛЛА КҮРТИ БОҒИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙДИ

ТАЙЁРГАРЛИК СУСТ

Сирдарё районидagi колхозларда бўлиб, пилла кўрти боғишга қандай тайёргарлик қўйилганлиги билан та-нишилса, «Ўтган йили 1100 кўти кўрт уруғининг ҳар кўтисидан 61,8 килограммдан пилла топширганмиз. Бу йили режамиз ҳам катта» деб мақдонилади. Жойлардаги аҳвол, қўйилган тайёргарлик эса бутун-лай қониқарсиз.

Район пиллачилик идорасининг бошлиғи ўртоқ Б. Далажонов ҳам бу соҳада ҳаддан ташқари сустка-ш қўрсатмоқда. У ҳамма айбони колхоз раҳбарларига тўғиб, ҳотир-зам қўйди.

Пилладан мўл ҳосил олиш илақ кўртининг озуқа базасини мустақ-камлашга боғлиқ. Лекин кўртинлик колхозларда мавжуд туғилари пар-варини қилиш, тут кўчатлари ўтқа-зиб, янги туғилардан барпо етишга етарли эътибор берилмапти. Шунинг натижасида 41 минг туғ туғ кўчати ўтқазилди, ҳолос. Охунбобоев номи, Илчи номи, «1 Май», Ҳам-за Ҳакимзода номи колхозларда тут кўчатлари ўтқазиб топшириги ба-жарилмади.

«Ўзбекистон» колхозининг расис ўртоқ М. Алимхамедов пиллачи-лиқни ривожлантиришдек муҳим ишга бошқача назар билан қара-моқда. Шунинг учун ҳам планда мўлжалланган 10 минг туғ ўришга бирор туғ ҳам тут кўчати ўтқазил-

мади. Илчи номи колхозда аҳвол буидан ахши эмас. Айниқса, бу кол-хозда пилла кўрти боғиш учун жой-лар тайёрлаш ўзибўларчиликти ташланган. 3 гектар ердаги эски туғтор қаровис ташлаб қўйилди.

Пилла кўрти боғишга тайёргар-лик бошқа колхозларда ҳам кучай-тириб юборилган. Шевченко но-ми (расис ўртоқ Ж. Мананов), «Правда» (расис ўртоқ Х. Жумабо-ев) колхозларида мавжуд бинолар ҳанузгача ремонт қилинмаган.

Район ишчилик идорасида бригада, звеноларнинг рўйхати бор. Аммо қайси звено қанча ва қарда пилла кўрти олиб боғишни аниқ қўрсатиш озуқа базасини мустақ-камлашга боғлиқ. Лекин кўртинлик колхозларда «етказиб берилган эмас. Аҳвол ачинарли бўлишига қарамай, юз бераётган қамчили-ларни бартараф қилиш, тайёргарлик ишларини кучайтириш тадбирлари қўйилмапти.

Социалдан мўл ҳосил етиштириб, коммунистик мажбуриятини тўла ва ошириб бажариш пухта тайёргар-лиқни талаб қилади. Район партия, совет ташкилотлари, ва колхозлар-нинг раҳбарлари бунга амал қилиш-лари, пилла кўрти боғишни ушқоқ-лик билан ўтқазиб, КПССнинг нав-батдаги XXII съездини муносиб ме-хнат совғадари билан кутуб оқин тадбирларини қўйишлари зарур.

Ж. ШАРПОВ.

нидаги «Коммунизм» колхозидан, бекободлик ўртоқ Т. Ялғововнинг «Чаноқ» совхозидан, сирдарёлик мухбирларимиздан О. Эргашев, З. Жайнаров ўртоқларнинг «Малик» совхоз ва Карл Маркс номи кол-хоздан хабар қилишларича, макка-жўхориқорлар экин кампаниясига қизгин киришганлар.

БОҒ-РОҒЛАР КУПАЙСИ

Шу кунларда областимизнинг ил-гор колхозлари ва совхозларида кў-чат экиш муваффақият билан ўтқа-зилаётди.

Бу ҳақда мухбирларимиз ўзлари-нинг хатларида қувонч билан хикоя қилмоқдалар.

Гавестонлардан З. Ҳамидов Номи-нини районидagi Охунбобоев номи колхоз боғбонлари ҳақида қуйида-гиларни ёзиб юборган: «Ўтган йили район бўйича етиштирилган 5 минг тонна узуннинг 520 тоннасини, 1300 тонна турли хил меванинг 60 тоннадан ортиқроғини Охун-бобоев номи мажбуриятини боғбонлари етиштирилди.

Ўртоқ Ҳасан Азимов бошлиқ бри-гада аъзолари меҳнат қилаётган боғин колхозчилар «Катта боғ» деб беиз аташмаган. Беш ярим гектар ерни эгаллаган бу боғда есангиз қариллайдиган хилма-хил узум-лар, доналар кўзи қамаштирадиган анорлар етиштирилди. Боғ-нинг ажойиб миришқорлари бор. А. Абдумомил боғчилик қилаёт-ган звенода Х. Сағдиев, Х. Комиллов сингари соҳибқорларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли ўтган йили гектаридан 11 тоннадан узум ҳо-сил олинди.

Колхозда янги боғлар барпо қи-лишга ҳам алоҳида эътибор бери-лаётди. Ўтган йили 18,5 гектар ер-га тоқ, 6 гектар ерга олхўри, 12

гектар ерга олма, нок, ёноғ, олча ва гилос кўчатлари экилган эди. Агрономия қондалари асосида пар-варини қилинаётган ниҳоллар ахши ривожланишга эришди. Қишлоқ хўжалиғи артелида янги боғлар яратиб иш-бу йил ҳам давом эттирилмоқда.

Ҳозиргача 8 минг туғ олма, 2 минг туғ шафтоли ва 5 минг туғ хилма-хил мева кўчатлари экилди. Кўчат ўтқазиб қизгин давом этмоқда.

Янгирлик мухбирларимиздан Х. Жаириллаев, С. Сувоновлар ва А. Маъмуров ўртоқларнинг ёзишча, 1-«Бобут», 2-«Бобут» совхозла-рида кўплаб ширин-шакар мевалар етиштирилди. 2-«Бобут» совхо-зининг 5-бўлимида кейинги йиллар ичида 160 гектарлик боғ яратилди. Тўла ҳосилга кирган бу боғдан ўт-ган йили кўп ҳосил олинди.

Совхозда боғдорчиликни янада кенгайтириш мақсадида 70 гектар янги ер очилиб, 90 минг туғ пар, хил мева кўчатлари экиш мўлжал-ланди. Ҳозиргача 30 мингга яқин кўчат ўтқазилди.

Совхоз боғдорчилигининг истиқ-боли порлоқ. Етти йилликнинг охи-рига бориб боғлар 400 гектарга кенгайди ва ҳар гектар ерда 70-75 центнердан мева ҳосили етиштири-лади.

Чиноз районидagi 9-«Вреский» боғдорчилик-виночилик совхозининг ишчилари КПСС XXII съезди ша-рафига бошланган мусобақадан ажв-одириб юбордилар. Улар шу кунгача 320 гектар ердаги мевазорга аёб суви бердилар, юз гектар ердаги мева дархатларини бутадилар. Бо-га 1600 тонна маҳаллий ўғит та-шиб қўйилди. 310 гектар ердаги узумзор ва мевазорларнинг қатор

оралари механизация ёрдамида юм-шатилди. 3 минг метр узунликдаги арик-зовурлар тозаланди. 10 гектар ердаги узумзорга янги повлар қи-гилди.

06-хаво жула қулай келган ҳо-зирги кунларда ҳар бир хўжалик раҳбарлари иложи борича кўпроқ суви сифатлироқ қилиб кўчат экин-га жиддий эътибор беришлари ке-рак.

— Мазамиз бўлмади, — деди у. Мана шу 20 гектарлик қартининг бурчагида кўп деса 3 тонна кела-диган гўнг турибди. Рас айтачса, далага ҳар гектар ер ҳисобига беш тоннадан чиқарилган гўнг шу бўлса керак. Бунинг гўнг ҳам деб бўлмайди. Чунки уни кўмиб чиқитилмаган, ну-қул зарарсиз уруғи. Демак, своз-кадаги гаплар даладаги ҳақиқий аҳволга тўғри келмайди. Бунақа кўзбўғмачилик кимга керак?

Ўтган йили ёввойи ўт тинкамиз-ни қуритди, деми рас сўз орасида. Лекин мана шу ёввойи ўтга қарши айни пайтда курашилмапти. Боро-надан кейин гўмай, чирмовиқлар-нинг илдизлари териб ташланмапти. Райондаги Илчи номи колхозда мактаб болалари ҳам гўмайга қарши курашга сафарбар этилган. Ўртоқ Қўлибобоев эса ёввойи ўтга қарши курашни ҳали бошлагани йўқ, куч-чимиз етishмайди деб юрипти.

Бу колхоз раҳбарлари икки гап-ининг бирини куч қамлиги тўғрисида шикоят қилдилар. Лекин улар одамларга шароит яратиб, техникадан унумли фойдаланиб, кўл меҳ-натини қамайтириш тадбирларини қўйиш тўғрисида ўйлаб-ўйлабдилар.

Ўтган йили колхозда битта тра-ктор-далачилик бригадаси тузилиб, 8 кишига 55 гектар ер, трактор ва бошқа механизмлар ажратиб бе-рилди. Лекин колхоз раҳбарлари бу прогрессив методни қароғайида қўллаб-қувватлаш, бу янги усулнинг ахши натижа бериши учун ёрдам бериш ўрнига янги бригадани ўз ҳо-лига ташлаб қўйдилар. Ўтган йили термёриг бўлган шароитда бу бри-гаданинг ўзасини ўт босиб кетди.

Ўз-ўзидан маълумки, 8 киши 55 ге-ктар ердаги ўтни тозалай олмади. Ҳо-сил кам бўлди. Шунинг учун бу йил колхоз раҳбарлари «трактор-далачи-лик бригадаси бизга тўғри келмас экан» деб ундан воз кечганлар.

— Бунинг ўрнига, — дейди рас, — бу йил звенолар ишини мустаҳкамлади.

Афтидан ўртоқ Қўлибобоев звено-лар ишини қайта тиклаш, мустаҳ-камлаш трактор-далачилик бригада-сининг ўзини босомаслигини, бу-ларнинг иккиси ўзига хос бошқа-бошқа нарс аналитини тўшмасе-керек.

Хуллас, колхоз расис ўртоқ Қў-либобоевнинг феолига қайси томон-дан экинлашсангиз ҳам юқоридаги каби лавҳалар очилаберди. Раҳбар бўлган коммунистга фақат нафар, софлик, хушфезл, мулоим бўлиш-гана емас экан. У ташкилотчи, та-шаббускор, аниқликка интиладиган, сезир, хўжалиқни ҳар тарафлама юксалтиришни кўлаб-қилаётган, илгор тажрибалирини дадиллик билан амалга ошироладиган жасоратли киши бўлиши керак. Бироқ, ўртоқ Қўлибобоев мана шундай фаёзла-лар етишмапти. Бунинг натижасида катта хўжалик раҳбарлик қилиш қийин.

Б. ХАЛИЛОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Гавестонлардан М. Юсупов ана шулар ҳақида хабар қилган. Т. Имо-мов ва И. Уринбоев ўртоқларнинг ёзишларига қараганда, районда Ленин номи, Навоий номи колхоз-ларда ҳам кўчат ўтқазиб ойлти муваффақият билан давом этмоқда.

Қишлоқ мухбирларимиздан В. Қо-диоров ва Н. Норбутаев ўртоқлар-нинг хабар қилишча, Бўстонлиқ районидagi Фрунзе номи колхозда янгиладан ўн гектар узумзор, Бек-обод районидagi Держинский но-ми қишлоқ хўжалиғи артелида 30 гектар янги боғ барпо этиш мўл-жалланган.

Областимизнинг кўпгина хўжа-лиқларида тутилишни ривожланти-ришга ҳам алоҳида аҳамият бери-лмоқда.

Ўртоқ Б. Алиматов Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхозда ҳозиргача 7 минг туғ туғ кўчати ўтқазилганлигини хабар қилган. Сирдарёлик ўртоқ З. Жайнаровнинг ёган хатида бундай дейилди: «Илчи номи колхоз раҳбарлари янги кўчатлар ўтқазиб уёқда тур-син, мавжуд туғзорларга ишлов бе-ришни ҳам унутиб қўйганлар. Кол-хознинг беш гектар ердаги 10 минг-га яқин туғ дархатларига бир неча йилдан бери қаралайди. Натижада шундай катта туғзордан ҳар йили атиги 2-3 машина барг олинади, ҳолос».

3-БЕТ, 8 АПРЕЛЬ, 1961 ЙИЛ.

Қишлоқ мухбирлари ёзадилар

Областимиз чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида КПСС XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 26,5 минг тонна гўшт, 74 минг тонна сўт, 19 миллион дона туҳум етиштириш юзасидан эимла-ларига гўят юксак мажбурият одди-лар.

Редакциямизга ҳар кун қишлоқ мухбирларимиздан ана шундай ша-рафли мажбуриятни бажариш йўли-да ҳалол меҳнат қилаётган кишилар ҳақида хатлар келиб турибди.

СЕРДАРОМАД СОҲА ЮКСАЛАЙТИ

Ингйўл районидagi Хрушчев номи колхозда чўчкачилик тобора юксалиб бормоқда. Бу ҳақда газет-хонларимиздан Ж. Шаропов қуйи-дагиларни ёзди: «Колхознинг ўр-тоқ Н. Мирабобоев боғчилик қилаёт-ган чўчкачилик фермаси чорвадор-лари машҳур чўчкабоқарлар Ярос-лав Чиж ва Жўра Сутоновларнинг илгор тажрибаларига амал қилган-лари ҳолда бу йил 300 бош чўчкани бўрдоқига боқиб, давлатга 25 тон-надан ортиқ гўшт сотишга аҳд қил-дилар. Фермада шу кунгача 180 бош чўчканинг тирик вази 110 ки-лограммданга етказилиб, гўшта топширилди».

Сирдарёлик газетхонларимиздан А. Қўчаров, Т. Дўсматов ўртоқлар «Малик» совхозининг Ф. Стапенко, В. Я. Пабизов сингари чўчкабоқар-лари боқимларидagi ҳар бир она чўчқадан 15 тадан бола олишга ҳа-ракат қилаётганлигини хабар қилишган.

Ўртоқ Т. Хушназаровнинг ёзиш-ча, «Охангарон» совхоз 1-бўлими-нинг чўчкабоқари К. Турдалиев 176

бош чўчкани боқмоқда. У ҳар кун 100 граммдан семиз-ришга эришапти. Қўрбонали КПСС XXII съезди очилдиган кунгача давлатга 1000 центнер чўчка гўш-ти сотишга аҳд қилган. Қишлоқ мухбири ўртоқ М. Ахмедов эса Тош-кент қишлоқ хўжалиғи институти-нинг Оржоникидзе районидagi ўқув тажриба хўжалиғида меҳнат қила-ётган чўчкабоқар М. Кириченко ҳар бир чўчканинг тирик вазини 100 110 килограммга етказиш учун ку-рашмоқда дейлади. Шунингдек, ўртоқ В. Солиқовнинг Ўрта Чирчиқ районидан хабар қилишча, «Поли-ная звезда» колхозининг парранда-чилари КПСС XXII съездини муносиб совғадари билан кутиб олиш учун аввалги мажбуриятларидаги 96 минг ўрнига 130 минг дона туҳум етиш-тириш мақсадида янги мажбурият олганлар. Бўстонлиқлик ўртоқ Т. Туробов эса Карл Маркс номи кол-хоз чорвадорларининг туғқилари ҳақида хабар қилди.

СУТ СОГУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

«Чиноз районидagi 4-«Вреский» совхозининг 4-фермасига борсангиз, аёллардан қолшимли сўт соғайган 50 ёшлар чамасидаги сўт соғувчи Бакир ака Нафиевни кўрасиз. Бу йил Бакир ака ўз сигирларидан ҳар йилда 500 килограммга етказиб сўт соғиб олмақда. Совхознинг сутчилик фермаси коллективи бу йил ҳар бир

сигирдан 4400 литрдан сўт соғиб олиш учун курашилмоқда. Ҳозир сов-хозда чорвага етарли миқдорда озу-қа базаси яратиб учун қизғин тай-ёргарлик қўйилди. Чинозлик ак-тив мухбирларимиздан ўртоқ М. Пойсенов ўз хатида ана шуларни хикоя қилган.

Қишлоқ мухбирларимиздан К. Но-ринбоев, Т. Нўшонов, Ф. Нишон-боев, К. Ортиқов, А. Муҳамедов ҳамда Н. Қўдратов ўртоқларнинг ха-бар қилишча кўра, «Пискент» сов-хозининг Н. Исмоилова, Т. Умарбо-кова, К. Турмунова, Янгир шаҳри-даги Карл Маркс номи колхозининг К. Эшбутаева, Тошкент темир йўли-га қарашли «Первомаец» совхоз-ининг М. Сиддиқова, Оржоникидзе районидagi Киров номи колхозининг Р. Қосимова, Я. Умарова, У. Худой-бердиева, Сирдарё районидagi «Ки-зил Октябрь» колхозининг М. Фи-норатовна, Б. Абдурахмонова, Гулистон районидagi Ленин номи колхозининг Е. Монахова, У. Бердибекова, Л. Хуснидинова сингари ўйлаб сўт соғувчилари бу йил катта туғқилар-га эришаётдилар.

ҚУЗИЛАТИШ ЯХШИ УТСИН

Уртачирчиқлик ўртоқ К. Жума-евнинг редакциямизга юборган ха-тида қуйидагилар ёзилган: «Район-лик «Ленин йўли» колхозида қў-зилаштиш плани мўддатидан илгари бажарилган. Колхоз чўпонлари 550 совлиқдан ҳозиргача 580 та қўзи олдилар. «Полярная звезда» кол-хозининг чўпонлари ҳозиргача 851 та қўзи олишга муваффақ бўдилар.

Улар 1393 бош совлиқдан кампа-ниа охиригача 1450 та қўзи олим

учун ҳаракат қилмоқдалар. Лекин, райондаги «XX партсъезд», Горь-кий номи, Свердлов номи, Эн-гельс номи, Карл Маркс номи, Сталин номи колхозларда қили-наётган ишлар берилган топшириқ-қа мутлақо жавоб бермапти».

Чинозлик актив мухбиримиз Т. Имонов Энгельс номи колхозининг коммунист чўпонлари ўртоқ Ф. Рўзи-бобоев ҳозиргача ҳар юз бош сов-лиқдан 120 тадан қўзи олганини хабар қилган.

Шунингдек, газетхонларимиздан Б. Умаров, А. Отбасаров, С. Хайит-кулов ўртоқлар ўз хатларида Охан-гарон районидagi «Тошкент» насл-чилик совхозининг ҳамда Бўстонлиқ районидagi Карл Маркс номи кол-хозининг чорвадорлари ҳам қўзила-штиш кампаниясини муваффақият-ли давом эттиратганликлари тўғриси-да ёзиб юборганлар.

МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАН БАЗАСИ ЯРАТИШ УЧУН

«Ингйўл районидagi «Партия XIX съезди» колхозининг Х. Хору-нов боғчилик қилаётган маккажў-хориқорлар бригадаси аъзолари, — деб ёзди ўртоқ Ж. Шаропов, — «Политотдел» колхоз аъзолари бошлаб берган ташаббусга қўшилиб, бу йил экин майдонларини 71 ге-ктарга етказдилар ва ҳар гектар май-дондан 1200 центнердан маккажў-хори кўкюяси олишга аҳд қилиш-дилар. Улар шу мақсадда сифатли тайёрланган ерларга экинни бошлаб юбордилар».

У. Юсупалиевнинг ёзишча, Ор-жоникидзе районидagi «Партия XXI съезди» совхозининг маккажўхори-қорлари ҳар гектар ердан 1200 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар.

Т. Сатторовнинг Калинин райо-

